



ТЕМИРҲО‘ЛСН

Temir yo'llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКISTON TEMIRYO‘LCHILARINING GAZETASI

2026-yil • 6-avgust • payshanba • № 30 (6610)

■ БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган ишчи ва хизматчилар, курувчи ва муҳандислар, машинистлар, вагон кузатувчилари ҳамда соҳа фахрийларини Темир йўл транспорти ходимлари кўни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар фидокорона меҳнатингиз билан Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини ошириш, транспорт-коммуникация тизимини изчил ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганингизни ушбу кутлуг айёнда яна бир бор эътироф этамиз.

Сўнгги йилларда соҳада олиб бораётган кенг қўламли ислохотларимиз улкан натижалар бермоқда. Бу ўзгаришларни 2 минг 400 километрдан кўпроқ янги темир йўл тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 3 минг километрдан ортқ йўللار электрлаштирилиб, 1 минг 100 километрдан зиёди реабилитация қилингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, йирик инвестиция лойиҳалари асосида Самарқанд – Ургут, Байтқўрғон – Паркент, Урганч халқаро аэропорти – Хива темир йўл тармоқлари барпо этилгани, Навоий – Бухоро участкасининг иккинчи электрлаштирилган линияси ишга туширилгани, бир қатор истиқболли йўналишларда эса қурилиш ишлари жадал давом эттирилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Мароқанд – Навоий, Бухоро – Урганч – Хива, Мискин – Нукус, Қўмқўрғон – Қудуқли каби муҳим йўналишларни электрлаштириш, темир йўл станцияларининг ўтказувчанлик имкониятларини кенгайтириш орқали миллий логистика тизими самарадорлиги оширилмоқда.

Айниқса, мамлакатимизни жаҳон транспорт йўлаклари билан янада ишончли боғлайдиган “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли барпо қилинаётгани, қўшни Афғонистон билан темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик изчил давом эттирилаётгани Ўзбекистоннинг минтақавий транспорт ва транзит маркази сифатидаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматларини янада такомиллаштириш мақсадида Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компанияси томонидан махсус ишлаб чиқарилган, юқори тезликдаги янги “Жалолитдин Мангуберди” электропоездининг Тошкент – Хива – Тошкент йўналиши бўйича фойдаланишга топширилгани диққатга сазовордир.

Темир йўл вокзалларини замонавий қиёфага келтириш, уларнинг муҳандислик ва сервис инфратузилмасини тубдан янгилаш, тадбиркорлик учун янада кенг имкониятлар яратиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Соҳада рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини кенг жорий этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз яқин йилларда юзлаб замонавий йўловчи вагонларини, юқори технологик поездларни харид қилиш, темир йўл инфратузилмасини янада кенгайтириш ва хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича янги ва улкан режаларни амалга оширамиз.

Биз сизлар каби минглаб заҳматкаш темирйўлчилар билан, сизларнинг касбий маҳоратингиз, бой билим ва тажрибангиз, ватанпарварлик фазилатларингиз билан бундай юксак марраларга албатта эришамиз.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаб, мамлакатимиз темир йўл тизимини янада замонавий, инновацион ва халқаро микёсда рақобатбардош тармоққа айлантиришдек шарафли йўлда барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва омадлар тиламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КАТТА ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАНГАН КАСБ БАЙРАМИДА БИР ГУРУҲ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



31 ИЮЛЬ КУНИ “ЎЗБЕКISTON
ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Унда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев, бошқарув раиси ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, корхоналарда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлар иштирок этди. Тадбир видео-конференция алоқаси орқали тизимнинг барча корхоналарида намоиш этилди. Дастлаб З.Нарзуллаев сўзга чиқиб, барча темирйўлчиларни касб байрами билан табриклади. Соҳада эришилаётган ютуқларда тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир касб эгасининг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

■ ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ НАМУНАСИ

МУКОФОТ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР!

Темир йўл транспорти соҳасидаги узок йиллик самарали меҳнатлари, ишдаги ютуқлари ва ташаббус кўрсатганликлари ҳамда темирйўлчилар касб байрами муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2026 йил 29 июлдаги “Темир йўл транспорти ходимлари кўни муносабати билан “Фахрий темирйўлчи” белгиси билан тақдирлаш тўғрисида”ги 393-Н-сонли буйруғига асосан қуйидаги ходимлар Жамият раҳбарияти номидан “Фахрий темирйўлчи” кўрак белгиси ҳамда Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 (беш) барабари миқдоридида бирйўла тўланадиган, бир марталик пўл мукофоти билан тақдирландилар:

КОМАЛОВ Раушан Тулағанович – “Темирйўл-инфратузилма” АЖ “Салор темир йўл масофаси” филиали темир йўл соловчиси;
МАХАМАДЖОНОВ Рустам Махамаджон ўғли – “Темирйўл-инфратузилма” АЖ “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалининг “Оқ кўприк” станцияси бошлиғи;
БОЙЛИЕВ Рустам Хамроевич – “Темирйўл-инфра-



тузилма” АЖ “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали “Бухоро-2” станцияси бошлиғи;

КОДИРОВ Номозбой Хайдарович – “Темирйўл-инфратузилма” АЖ “Тинчлик локомотив депоси” филиали машинист мураббийи;

САТТАРОВ Жамшид-жон Абдуҷабборович – “Темирйўл-инфратузилма” АЖ “Юридик бошқармаси “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалига бириктирилган бош юриконсультанти;

ТАНГРИЕВ Ўқтам Зокирович – “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти Бухоро темир йўл устaxonаси

фойдаланиш комплекс бошлиғи;

АБИБУЛЛАЕВ Тенгелбай Онгарбаевич – “Темирйўл-инфратузилма” АЖ “Қўнғирот электр таъминоти масофаси” филиали электромонтёри;

ТУЛАГАНОВ Шерқул Узақович – “Темирйўл-инфратузилма” АЖ “Қашқадарё темир йўл масофаси” филиали темир йўл соловчиси;

НИШОНОВ Зоҳид Зарібович – “Темирйўл-инфратузилма” АЖ “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бўлиб бошлиғи;

НАРЗУЛЛОЕВ Қодир Қиличович – Вагон хўжалиги департаменти бошлиғи;

БАБОШИНА Марина Сергеевна – Иқтисодий таҳлил ва прогноллаш департаменти Меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи;

АБДУЛЛАЕВА Шарифа Абдухалиловна – Статистика департаменти Номерлаш бўйича ҳисоблаш ва вагон паркинни назорат қилиш бўлими бошлиғи;

ЭШМУРОДОВ Баҳодир Кенжаевич – “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бўйича директор;

МИРАЛИЕВ Суръат Мирвалиевич – “Темирйўл-карга” АЖ Юк ташишни таш-

қил этиш ва логистика бошқармаси бошлиғи;

ЮСУПОВ Шерали Абдуллаевич – “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамияти жамияти бош директори;

АБЗАЛОВ Камолиддин Мирмунинович – “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамияти Тижоратни ривожлантириш ва бизнесни бошқариш бўлими бош мутахассиси;

РАСУЛЕВ Жамшид Юнусович – Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари;

КАЮМОВ Рустам Миржалилович – “Ўзбекистон” локомотив депоси “Афросиёб” юқори тезликдаги электро-

поезд машинист-мураббийи;

ИСМАИЛОВА Клара Жантиевна – “Темир йўл ижтимоий хизматлар” МЧЖ Марказий поликлиника умумий амалиёт шифокори;

РАМАЗОНОВА Нодира Раҳмоновна – “Темирйўл-экспресс” акциядорлик жамияти Касабга юшмаси қўмитаси раиси;

НАРБАЕВ Фаррух Равшанович – Ташишларни ташқил этиш департаменти бошлиғи;

ТУРДИЕВ Фарҳод Бабамуратович – Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти вагонларни қабул қилувчиси.

КАТТА ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАНГАН КАСБ БАЙРАМИДА БИР ГУРУХ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Давоми. Бошланиш 1-бетда

– Барчангизни “�збекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти рахбарияти ва шахсан ўз номимдан ҳар биримиз учун улуғ ва фахрли кун – Темир йўл транспорти ходимлари кунини муносабати билан чин қалбимдан, самимий муборакбод этаман, – деди З.Нарзуллаев. – Меҳнат фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда ютуқ ва зафарлар тилайман. Оилангиздан бахт ва саодат, хонадонингиздан файз ҳамда барака аримасин. Доим соғ-саломат бўлиб, эл раўнақи учун, темир йўл соҳаси ривожини йўлида меҳнат қилишда чарчаманг. Сиз каби машаққатли ва шарафли касб эгаларини бугунги байрам билан яна бир бор табриклайман.

Шундан сўнг темир йўл транспорти соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ютуқлари ва ташаббускорлиги билан ажралиб турган бир гуруҳ ходимлар касб байрами арафасида алоҳида эътироф этилди. Шу муносабат билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2026 йил 29 июлдаги “Темир йўл транспорти ходимлари кунини муносабати билан “Фахрий темирйўлчи”

белгиси билан тақдирлаш тўғрисида”ги 393-Н-сонли буйруғи имзоланди.


Унга кўра, 22 нафар фидойи ходим Жамият рахбарияти номидан “Фахрий темирйўлчи” белгиси ҳамда мамлакатимизда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 (беш) баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти билан тақдирланди.

Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти (ОСЖД) ташкил топганининг 70 йиллиги ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар темир йўл транспорти Кенгашининг қарорлари билан бир гуруҳ юртдошларимиз

юксак мукофотларга лойиқ кўрилдилар. Шу муносабат билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2026 йил 20 июлдаги “Тақдирлаш тўғрисида”ги 367-Н-сонли буйруғи эълон қилинди.

Унга кўра, соҳада фидокорона меҳнат қилаётган 8 нафар ишчи-ходим “Фахрий диплом”, яна 7 нафар вакилимиз эса “Фахрий ёрлик” билан тақдирланди. Эътироф этилганларнинг ҳар бирига бир ойлик маоши миқдоридан пул мукофоти ҳам топширилди.

Мукофот соҳиблари эсдалик учун Жамият ҳовлисида тарихий суратларга тушишга, улар учун байрам дастурхони ёзилди. Сўнг эса пойтахтимизнинг



диққатга сазовор жойларига саёхат ташкил этилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 2026 йил II чорақдаги иш якунлари сарҳисоб қилиниб, III чорақда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳофама қилинди.

Хусусан, тармоқнинг ўтган даврдаги иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, галдаги муҳим режалар юзасидан маърузалар тингланди.

Йўналишда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, соҳани 2026-2027 йиллар куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ахборотлар атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбир давомида темир йўл тизимига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш масаласи ҳам четда қолмади.

Мутахассисларнинг 2026 йилда соҳани рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект йўналишида амалга оширилган истиқболли лойиҳалар ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди.

Касб байрамининг маданий тадбирлари Темирйўлчилар маданият саройида давом эттирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Рама-тов иштирок этди ва давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон темирйўлчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, Транспорт вазирини И.Махкамов ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев ҳам темирйўлчиларни касб байрами билан самимий табриклашди.

Байрам Темир йўл транспорти ходимлари кунига бағишланган тантанали концерт дастури билан давом этди.

Рустам ХАЙДАРОВ



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ БАЙРАМИ БИЛАН ИЛҒОР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

30 июль кунини “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига биноан Жамият тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган илғор темирйўлчилар Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини байрами муносабати билан тақдирланиши.



Тадбирда дастлаб Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси

уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қ.Сабиров ҳамда Персонални бошқариш ва кадрларни

тайёрлаш департаменти бошлиғи Д.Сабиров сўзга чиқиб, темирйўлчиларни касб байрами билан самимий табриклашди. Соҳада эришилаётган муваффақиятларда, улкан бунёдкорлик лойиҳаларининг самарали амалга оширилишида меҳнат қилаётган ҳар бир темирйўлчининг муносиби ҳиссаси борлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика Кенгаши рахбарияти тавсияси билан Жамият корхоналарининг 4 нафар Худудий қўмитаси раисларига “Ўзбекистон темир

йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси номидан Фахрий ёрлик ҳамда 1 миллион 700 минг сўм, 4 нафар мутахассисга телевизор, тармоқ корхоналарининг 50 нафар ходими фахрий ёрлик, 30 нафар темирйўлчига эса 1 миллион сўм пул мукофоти тантанали тарзда топширилди.

Эътиборлиси, темирйўлчилар касб байрами муносабати билан барча минтақавий темир йўл узелларида меҳнат қилаётган 100 нафар ишчи-ходим манзилли 1 миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Шунингдек, 200 нафар меҳнаткаш учун респуб-лика миқдорининг тарихий шаҳар-

ларига саёхатлар ташкил этилмоқда.

Меҳнат жамоаларида ишчилар ўртасида турли хил спорт мусобақалари ташкил қилинмоқда ва ушбу ишларга Республика Кенгаши томонидан 120 миллион сўм ажратилди.

Ундан ташқари, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда смена асосида мунтазам равишда меҳнат қилаётган 400 нафар ишчи-ходимга Республика Кенгаши маблағи ҳисобидан “Хўжақент” масъулият чекланган жамияти дам олиш масканига бепул 2 кунлик жамоавий саёхатлар ташкил қилинди.

Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали темирйўлчи аёлларга соғломлаштириш санаторияларига 10 та бепул йўлланма ажратилди. Темир йўл тизимида ишлайдиган 250 нафар ишчи-ходимга эса моддий ёрдам кўрсатилди. Узоқ йиллар самарали меҳнат қилган 100 нафар ёлғиз, ётоқли ва ногиронлиги бор пенсионерлар рўйхати ҳам шакллантирилиб, уларнинг ҳар бирига 1 миллион сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилади.

Лола МЕРҲАНОВА,
Республика Кенгаши
Маданий-маърифий ва спорт
ишлари бўлими мудири


ПРЕСС-ТУР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тўздан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 329-сонли қарори ижросини таъминлаш учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти рахбарияти томонидан соҳада йўловчи ташиш йўналишини янада ривожлантириш, аҳолига ҳар томонлама қулай шароитларни яратиш мақсадида тизимга замонавий технологияларни жорий этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЗАМОНАВИЙ ИМКОНияТЛАРГА ЭГА “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ЭЛЕКТРОПОЕЗДИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИ

Жорий йилнинг 29 июль кунини Юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларга хизмат кўрсатиш марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

Унда журналистлар юқори тезликда ҳаракатланувчи “Жалолиддин Мангуберди” замонавий йўловчи поездларини рейсга тайёрлаш жараёнлари, юқори ма-лакали мутахассислар томонидан поездларни техник кўрикдан ўтказиш ишлари билан яқиндан танишдилар.



Маълумки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти фаолиятидаги энг муҳим воқеалардан бири Корея Республикасининг “Hyundai Rotem” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий юқори тезликдаги “Жалолиддин Мангуберди” электропоездларининг Ўзбекистонга келтирилиши ва эксплуатацияга топширилиши бўлди.

Бу юртимиз темир йўл соҳаси тарихидаги муҳим воқеадир. Илк бор Ўзбекистонда “Тошкент – Хива” йўналишида юқори тезликдаги поезднинг мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

Авваллари Хива шахрига оддий йўловчи поездларида бориш учун ўртача 14 соат вақт сарфланган бўлса, бугунги кунда “Жалолиддин Мангуберди” поезди ушбу масофани атиги 7 соату 30 дақиқада босиб ўтмоқда. Мазкур йўналишда ҳар кун ҳаракатланадиган янги поезд йўловчилар учун катта қулайлик яратиб, хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Лойиҳа доирасида жами олтига юқори тезликдаги поезд етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, уларнинг учтаси Ўзбекистонга олиб келинди ва босқичма-босқич фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг май ойидан бун “Тошкент – Хива – Тошкент” йўналишида ҳаракатланаётган дастлабки таркиб шу вақтгача 30 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатди. Кунини кеча мазкур русумдаги иккинчи поезд ҳам илк қатновини бошлади. Учинчи таркиб эса айни пайтда техник синовлардан ўтказилмоқда.



“Жалолиддин Мангуберди” поездлари соатига 250 километр тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга. Улар Ўзбекистоннинг иқлим шароитлари, айниқса, “Бухоро – Хива” йўналишидаги чўл ҳудудлари, қучли чанг ва юқори ҳарорат инobatга олинган ҳолда лойиҳалаштирилган. Поездларда хавфсизлик ва ишонч-лилиқни таъминловчи замонавий муҳандислик ечимлари қўлланган. Поезд Тошкентдан йўлга чиқиб, “Самарқанд”, “Навоий”, “Бухоро” ва “Урганч” вокзалларида тўхтаб ўтади.

Янги юқори тезликдаги поездларнинг ишга туширилиши мамлакатимиз темир йўл соҳасини янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини ошириш ҳамда миллий транспорт инфратузилмасини замонавий босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Бу нафақат аҳолига қўшимча қулайликлар яратади, балки юртимизда туризм имкониятларини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Тадбир давомида “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти мутахассислари ОАВ вакилларига поезднинг техник имкониятлари, йўловчилар учун яратилган замонавий шароитлар ҳамда соҳани рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот беришди. Шунингдек, “Жалолиддин Мангуберди” поездининг қолган учта таркибини етказиб келиш муддатлари ҳақида ҳам маълум қилинди.



■ ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

БОШҚАРУВ РАИСИ ТЕРМИЗГА БОРДИ

Ўтган ҳафта “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев хизмат сафари билан “Термиз минтакавий темир йўл узели” филиалига ташриф буюрди.



Ташриф давомида “Термиз” темир йўл бирлашган шифохонаси фаолияти билан танишиб, муассасани тубдан капитал таъмирлаш, замонавий қиёфага келтириш, илгор тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда замонавий тиббий хизматларни йўлга қўйиш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Шунингдек, беморлар учун яратилган шароитлар ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати кўздан кечирилди.

Шундан сўнг ташриф “Ғалаба” станциясининг кўрик паркида давом эттирилди. Бу ерда янги ташкил этилган, Афғонистондан келаётган юк вагонларини боғхона назоратидан ўтказиш маскани фаолияти Сурхондарё вилояти боғхона бошқармаси бошлиғи иштирокида ўрганилди.

Кўрик давомида мажмуа фаолиятини янада такомиллаштириш, юк вагонларини расмийлаштириш ва кўрикдан ўтказиш жараёнларини жадаллаштириш, идоралараро ҳамкорлиқни мустақамлаш ҳамда хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Мазкур ташриф ҳудудда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда транспорт-логистика жараёнларини янада такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

КОРХОНАДА КАСБ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

“Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамиятида Темир йўл транспорти ходимлари кун муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.



Унда корхонанинг илгор касб эгалари, фахрий темирйўлчилар иштирок этиб, тадбирни кўтаринки руҳда ўтказишди. Байрам муносабати билан корхона раҳбарияти ва Касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан бир гуруҳ фаол ходимлар фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ИЛГОР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Темир йўл транспорти ходимлари кун муносабати билан “Бухоро минтакавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан тизимда кўп йиллар давомида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, ўзининг юксак касбий маҳорати, масъулияти ҳамда намунавий фаолияти билан жамоада алоҳида обрў-эътибор қозонган ишчи-ходимлар ва меҳнат фахрийлари учун тантанали тақдирлаш маросими ташкил этилди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар темирйўлчиларнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни, уларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати ҳақида тўхталиб, меҳнат фахрийларининг бой ҳаётий тажрибаси ёш авлод учун ибрат мактаби эканини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, бутунги кунда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳам юксак масъулият ва садоқат билан фаолият юритиши соҳанинг янада раванқ топишига хизмат қилиши қайд этилди.



Сўзга чиққанлар “Бухоро минтакавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси келгусида ҳам темир йўл соҳасида самарали меҳнат қилаётган ходимлар ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг хизматларини муносиб эътироф этиш бўйича эзгу анъаналарни изчил давом эттиришини мамнуният билан айтиб ўтишди.

УЗЕЛНИНГ ФИДОЙИ ХОДИМЛАРИГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ ВА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

“Тошкент минтакавий темир йўл узели” филиалида касб байрами муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сўнгги йилларда узел темир йўл участкаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинган салмоқли ишларга бағишланган видеоролик намойиш қилинди. Шундан сўнг “Тошкент минтакавий темир йўл узели” филиали бошлиғи О.Худойкулов темирйўлчиларни касб байрами билан табриклади.



Узоқ йиллар фидокорона хизмат қилган, соҳанинг ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрий ва фаол ходимлар эътибор марказида бўлдилар. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти раҳбарияти, шунингдек, филиал бошлиғи ва Худудий касаба уюшма кўмитаси номидан уларга фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Ушбу эътироф темирйўлчиларимизга бўлган юксак миннатдорчилик намунасиридир.

“КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ХУДУД” ШИОРИ ОСТИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Жорий йилнинг 30 июль куни “Қарши минтакавий темир йўл узели” филиали ҳамда унинг тасарруфидоғи барча бўлим ва корхона ходимлари иштирокида “Коррупциядан холи ҳудуд” шиори остида йиғилиш ташкил этилди.

Семинар коррупциянинг олдини олиш, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, хизмат фаолиятида шаффофлик ҳамда ҳалоллик тамойилларини мустақамлаш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда “Қарши минтакавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси Т.Ҳамраев, Қарши транспорт прокуратураси терговчиси А.Эржигитов, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Коррупцияга



қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи Ф.Комилов, “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Б.Раззоқов, “Ўз-вагон-таъмир” акциядорлик жамияти Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходими Д.Мусалимов ҳамда “Қарши минтакавий темир йўл узели” филиали коррупцияга қарши курашиш бўйича мутахассиси М.Рашидов иштирок этиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонунчи-



лик, тизимда олиб борилаётган ислохотлар, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда коррупцион ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш масалалари юзасидан маърузалар қилилди.

Семинар якунида иштирокчилар томонидан берилган саволларга мутахассислар батафсил жавоб қайтарилди. Коррупцияга қарши курашишда ҳар бир ходимнинг шахсий масъулияти ва дахлдорлиги алоҳида таъкидланди.

ҚЎҚОНДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ ТАНТАНА ҚИЛИНДИ

“Қўқон минтакавий темир йўл узели” филиалида темирйўлчилар касб байрами муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди.



Тадбирда узоқ йиллар фидокорона хизмат қилган, соҳанинг ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрий ва фаол ходимлар эътибор марказида бўлишди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Касаба уюшмаси кўмитаси номидан уларга эсдалик совғалари топширилди.

Ушбу эътироф темирйўлчиларимизга билдирилган миннатдорчилик намунасиридир.

Тадбирнинг иккинчи қисмида барча ходимлар учун байрам дастурхони ёзилди. Самимий суҳбатлар, қувноқ кайфият ва кутловлар шоду хуррамликни янада оширди.

ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Темир йўл транспорти ходимлари кун муносабати билан “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Норқабилов бошчилигида тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир давомида тизимда кўп йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган, юксак касбий маҳорати ва масъулияти билан соҳа ривожига муносиб ҳиссаси қўшаётган бир гуруҳ фаол ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Маросимда сўзга чиққан С.Норқабилов барча темирйўлчиларни касб байрами билан самимий муборакбод этиб, уларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати мамлакат транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўловчилар ва юкларни узлуқсиз ташини ташкил этишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Тадбир якунида тақдирланган ходимларнинг келгуси фаолиятига катта муваффақиятлар, мустақкам соғлиқ ва янги зафарлар тилаб қолинди.

“ҚАРШИ МИНТАКАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИДА ҲАМ БАЙРАМ ТАДБИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Темир йўл транспорти тизими мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ва аҳолига сифатли транспорт хизматларини кўрсатишда муҳим ўрин тутди. Ушбу соҳада узоқ йиллар давомида фидойилик, масъулият ва юксак касбий маҳорат билан меҳнат қилиб келаётган темирйўлчиларни эъзозлаш мақсадида “Қарши минтакавий темир йўл узели” филиалида байрам тадбири юқори савияда ташкил этилди.

Тадбир давомида филиал раҳбарияти томонидан ўз хизмат вазибаларини сидқидан адо этиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи ходимлар муносиб тақдирландилар. Улар фахрий



ёрликлар, пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари билан рағбатлантирилиб, меҳнатларига юксак баҳо берилди.

Байрам тадбирида сўзга чиққанлар темирйўлчиларни касб байрами билан самимий муборакбод этиб, уларга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, масъулиятли фаолиятларида муваффақиятлар ҳамда юртимиз раванқи йўлидаги шарафли хизматларида янги зафарлар тиладилар.

Шунингдек, темирйўлчиларга байрамон кайфият улашиш мақсадида файзли байрам дастурхони ёзилди ҳамда санъаткорлар иштирокида куй-қўшиқлар ва дилбар чиқишлардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Тадбир давомида ходимлар самимий мулоқот қилиб, унутилмас лаҳзаларни биргаликда баҳам кўрдилар.



ХОЛДИНГ ИТАЛО ЗАКАЗАЛ ВЫСОКОСКОРОСТНЫЕ ПОЕЗДА VELARO ПОСТРОЙКИ SIEMENS

Холдинг Italo, в состав которого входит одноименный частный оператор высокоскоростных перевозок на железных дорогах Италии, подписал с компанией Siemens Mobility контракт на поставку 26 высокоскоростных многосистемных поездов Velaro MS и их обслуживание в течение 30 лет. Контракт стоимостью около 3 млрд евро включает опцион на приобретение еще 14 ед.



С середины 2028 г. эти поезда приступят к выполнению 50 ежедневных рейсов по маршрутам Мюнхен — Кёльн — Дортмунд и Мюнхен — Берлин — Гамбург. Общая протяженность маршрутной сети, охватывающей 18 городов Германии, составит 1300 км. Суммарные инвестиции холдинга Italo в проект достигнут 3,6 млрд евро. Кроме покупки подвижного состава, они будут направлены на формирование штата примерно из 2500 работников и их обучение, а также на создание станционной и ИТ инфраструктуры.

Восьмивагонные поезда Velaro MS рассчитаны на скорость движения до 320 км/ч и способны курсировать по участкам, электрифицированным на переменном (напряжением 15 и 25 кВ) и постоянном (1,5 и 3 кВ) токе. В каждом поезде предусмотрено 450 мест для сидения в отделениях трех классов — Club Executive, Prima Business и Smart, а также в вагоне-бистро. Для доступа пассажиров к сети Интернет поезда оборудуют аппаратурой мобильной связи стандарта 5G и терминалами Starlink.

Подвижной состав будет обслуживаться в принадлежащем Siemens Mobility депо в Дортмунде с использованием цифровой платформы Railigent X.

В состав холдинга Italo наряду с одноименным итальянским железнодорожным оператором входят автобусный оператор Itabus и недавно образованная Italo International, отвечающая за бизнес на зарубежных рынках. Она включает две компании со штаб-квартирами во Франкфурте-на-Майне: Atrium (отвечает за операционную деятельность в Германии) и Mainsee, которая станет владельцем подвижного состава, эксплуатируемого в этой стране.

Контракт между Italo и Siemens Mobility был подписан 20 июля 2026 г. В тот же день Федеральное сетевое агентство Германии (BNetzA) сообщило о принятии решения о создании более благоприятных условий для конкуренции в сфере перевозок поездами дальнего следования на железных дорогах этой страны. Теперь на высокозагруженных участках, где установлены ограничения по пропускной способности для поездов дальнего следования, одному перевозчику будет выделяться не более 60 – 75 % ниток графика. Эти условия начнут действовать при составлении в следующем году расписания на 2028 г.

KNORR-BREMSE МОДЕРНИЗИРУЕТ СИСТЕМЫ ЖАТ НА ГОРНОРУДНОЙ ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГЕ В АВСТРАЛИИ

Компания KB Signaling, входящая в состав концерна Knorr Bremsе, заключила с горнорудной компанией Fortescue контракт, предусматривающий модернизацию системы управления движением ITCS (Incremental Train Control System) на принадлежащей этой компании железной дороге в Западной Австралии. Контракт охватывает обновление стационарного серверного оборудования с заменой устаревшей аппаратуры на современную компьютерную платформу ElectroLogIXS компании KB Signaling и внедрение средств дистанционного мониторинга состояния путевой инфраструктуры в реальном времени.



На сети компании Fortescue, протяженность которой составляет 760 км, система ITCS была развернута в 2010 г. годы. Она изначально разработана компанией GE Transportation, бизнес ЖАТ которой в 2015 г. получила Alstom, продавшая его концерну Knorr Bremsе в 2024 г.

Система ITCS регулирует движение поездов при помощи виртуальных блоков участков без использования напольных светофоров и с минимальным количеством напольных устройств контроля свободы пути. Ее бортовые устройства построены на основе безопасной компьютерной платформы Ultra Cab II компании KB Signaling. Они определяют местоположение поездов через систему спутниковой навигации GPS и по радиоканалу обмениваются информацией со стационарными серверами, получая от них разрешения на движение и данные об ограничениях скорости.

Безопасная аппаратная платформа ElectroLogIXS реализует функции системы централизации и интервального регулирования движения поездов. Ее отличает минимизация напольного оборудования, что имеет важное значение для условий малонаселенного региона Западной Австралии с экстремально жарким и сухим климатом. Завершить развертывание этой платформы на сети компании Fortescue планируется до конца 2026 г.

Кроме того, на сети впервые будут внедрены цифровые рельсовые цепи Electro Code 6, способные контролировать протяженные участки и обладающие расширенными диагностическими возможностями, в том числе в отношении мониторинга состояния балласта. Их применение совместно с приложением Rail TempEst позволит определять температуру рельсов и при необходимости вводить скоростные ограничения.

Проект на сети Fortescue призван продемонстрировать возможности KB Signaling по реализации комплексных систем ЖАТ и направлен на расширение присутствия этой компании на международном рынке железных дорог с тяжеловесным движением.

По материалам интернета

ТАЪЗИЯ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарияти Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижтимоий сўғурта бўлими мудир Ли Яна Владимировнага онаси

КИМ ЛЮДМИЛАНинг

оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарияти Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши Молия бўлими тафтишчиси Исоҳқ Эсанович Исмаиловга отаси

ИСМАИЛОВ ЭСОН ИБРОХИМОВИЧнинг

оламдан ўтганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

■ ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ ЭЪЗОЗЛАНГАН “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” БЕЛГИСИ СОҲИБЛАРИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИГА ҚАДАМ ҚЎЙГАН ҲАР БИР МУТАХАССИС БОРКИ, КУН КЕЛИБ СОҲАНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ – “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” КЎКРАК БЕЛГИСИГА САЗОВОР БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛАДИ. ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИДА УШБУ НУФУЗЛИ МУКОФОТ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛАДИ. БУ ЛАҲЗАЛАРДА ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ФИДОКОРОНА МЕХНАТ ҚИЛГАН СОҲА ФИДОЙИЛАРИНИНГ УШАЛМАС ОРЗУЛАРИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАДИ. АСЛИДА, 63 МИНГДАН ОРТИҚ ТЕМИРЙЎЛЧИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН МАЗКУР ТИЗИМДА УШБУ ШАРАФЛИ УНВОНГА ЛОЙИҚ БЎЛГАН ИШЧИ-ХОДИМЛАР ЖУДА КЎП. БИРОҚ МУКОФОТ СОНИ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ БОИС, У ҲАММАГА ҲАМ НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИ. ЖОРИЙ ЙИЛГИ КАСБ БАЙРАМИДА ЭСА СОҲА РИВОЖИГА БЕҚИЁС ҲИССА ҚЎШГАН ВА ҲАМКАСБЛАРИГА ИБРАТ БЎЛГАН 22 НАФАР ФИДОЙИ “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” БЕЛГИСИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. БИЗ АНА ШУНДАЙ БАХТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ БИР ГУРУҲИ БИЛАН СУҲБАТЛАШИБ, УЛАРНИНГ ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАРДАГИ ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИК.



Равшан КАМОЛОВ,
“Темирйўлинфратузилма” АЖ “Салор темир йўл масофаси” филиали темир йўл сазловчиси:

– Уйимиз темир йўлга яқин ҳудудда эди. Шу боис бу соҳага қизиқишим болалигимдан бошланган, десам тўғри бўлади. 16 ёшимда йўл устаси бўлиб ишга кирдим. Бугун ушбу тизимда меҳнат қилаётганимга 33 йилу 7 ой бўлибди. Узоқ йиллик меҳнат фаолиятим давомида “Навоий – Учқудук – Мискин”, “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон”, “Ангрен – Поп” ҳамда “Тошкент – Самарқанд” участкаларини юқори тезликдаги поездларга мослаштириш ва “Бухоро – Хива” каби катта лойиҳалар қурилишига жамоам билан ўз ҳиссамни қўшдим.

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги Салор темир йўл масофасида йўл сазловчи бўлиб, юк ва йўловчи поездларини ишончли ҳаракатланиши ва хавфсизлигини таъминлаш учун ҳиссамни қўшмоқдаман. Аҳил жамоамиз билан пўлат изларни таъмирлашда замонавий техникалардан ҳам унумли фойдаланаяпмиз.

Бугун мен учун ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири. Соҳамизнинг юксак мукофоти – “Фахрий темирйўлчи” белгисига сазовор бўлдим. Тўғриси, бу мукофотни бир кун келиб мен ҳам оламан, деб ўйлагангандим. Бироқ меҳнатимни қадрлаган ва эъзозлаган темир йўл раҳбариятига, корхонамиз бошлиғи ва жамоамга катта ташаккур, дейман. Ушбу нуфузли мукофотни олишимда уларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Юксак мукофотга муносиб бўлиб ишлаш масъулиятини ҳис қилиб, соҳамиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшишда давом этаман.



Жамшид САТТОРОВ,
“Темирйўлинфратузилма” АЖ Юридик бошқармасининг “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалига бириктирилган бош юрист консулти:

– Ўзбекистон темир йўллари тизимида фаолият кўрсатаётганимга 24 йилдан ошди. Шу давр мобайнида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда тасарруфидаги корхоналар, қолаверса, уларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқдаман. Бундан ташқари, темирйўлчиларимизнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва фаолиятларини қонуний асосда ташкил этилишига яқиндан қўмаклашяпман.

Ушбу мукофот ўз ишимга бўлган фидойилик ва масъулият ҳиссини янада ошириб, келгусида янада садоқат билан меҳнат қилишига куч бағишлайди. Менга топширилган “Фахрий темирйўлчи” белгиси аҳил жамоамиз, соҳа раҳбарияти томонидан меҳнатимга берилган муносиб баҳо, деб биламан. Бу мукофот келажакда ҳам Ўзбекистон темир йўллари тизимида садоқат билан ишлашга, узелимиз корхоналари ва ишчи-ходимларини ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлашга замин яратиб, бундан кейин ҳам соҳа ривожига ўз ҳиссамни қўшаверама.

Баҳодир ЭШМУРОДОВ,
“Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ ишлаб чиқариш бўйича директор:

– Менга “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан “Фахрий темирйўлчи” белгисининг топширилиши заводи-мизда жамоамиз билан эришган ютуқларга берилган баҳо, деб биламан. Ушбу нуфузли мукофот корхонамиз раҳбари ва бутун жамоамиз меҳнати самарасидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз темир йўлларида ҳаракатланаётган деярли барча замонавий йўловчи вагонлари корхонамизда ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳам “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятига ташриф буюриб, йўловчилар учун вагонларда барча қўлай шароитлар бўлиши лозимлиги ҳақида топшириқ берган эдилар.

Президентимизнинг топшириғига асосан янги ишлаб чиқарилаётган вагонларимиз замонамизнинг энг қўлай, барча шароитга эга қўринишда ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида ҳам жамоамиз билан Ўзбекистон темир йўллари йўловчи паркинни янги ва замонавий вагонлар билан таъминлашга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Фурсатдан фойдаланиб барча ҳамкасбларимни касб байрами билан табриклайман, соғ-саломат бўлишин.



Нодира РАМАЗОНОВА,
“Темирйўлэкспресс” АЖ Касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

– Темир йўл соҳасига қадам қўйган ҳар бир ходим кун келиб, тизимнинг энг олий мукофоти – “Фахрий темирйўлчи” белгисига сазовор бўлишни орзу қилса керак. Мен ҳам фаолиятим давомида расмий тадбирлар, концерт дастурларида ушбу мукофотни олаётган ҳамкасбларимни қўриб, улар каби энг олди қаторларда бўлишни орзу қилган эдим.

Бугун не ажабки, буюк орзуим амалга ошиб турибди.

Инсон ҳаётда чин дилдан ният қилса, албатта, мақсадига эришар экан. Бугун расмий тадбирда залда ўтирган темирйўлчиларнинг деярли ярми билан елкама-елка туриб меҳнат қилдик. Фаолиятим давомида касаба уюшмаси ходими сифатида тармоқнинг энг йирик лойиҳаларида бевосита иштирок этдим. Айниқса, янги қурилишларда, ноқулай, тоғли ва чўл ҳудудларида пўлат изларни ётқизишда ташаббус кўрсатган темирйўлчиларни ижтимоий ҳолатини яхшилашга, уларни ва оилаларини доимий равишда моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдим. Касбимга фидойилик билан, масъулиятни ҳис қилган ҳолда, виждонан ёндашишга уриндим. 34 йилдан буён шу соҳада ишлаб, фаолиятимни давом эттираяпман. “Фахрий темирйўлчи” белгисига мени лойиқ қўришгани учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Рустам МАҲАМАДЖОНОВ,
“Темирйўлинфратузилма” АЖ “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалининг “Оқ кўприк” станцияси бошлиғи:

– Меҳнат фаолиятимни 1992 йилда темир йўл соҳасида бошлаганман. “Сари-огоч” давлатлараро боғланиш пунктида, “Келес” ҳамда “Нурхаёт” станцияларида ҳам меҳнат қилдим. Ҳозирда “Оқ кўприк” станциясида бошлиқ лавозимида фаолият кўрсатаяпман.

Ўтган йиллар давомида “Оқ кўприк” станцияси мамлакатимизнинг энг илғор, замонавий қурилмалар билан таъминланган станцияларидан бирига айланди. Бугунги кунда станциямизда соҳамизнинг энг кучли, билимли мутахассислари фаолият кўрсатиб, темир йўл тизимининг юк ташиш салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

2026 йил мен учун ҳаётимдаги энг мазмунли йил бўлиб қолади. Соҳамизнинг юксак мукофоти – “Фахрий темирйўлчи” белгисига сазовор бўлдим. Бунинг учун Ўзбекистон темир йўллари раҳбариятига катта раҳмат, дейман. Ушбу мукофот мени келгусида темир йўлларимизни янада ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшишга ва пўлат изларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича бундан-да яхши ишлашга ундаши шубҳасиз.

34 йилдан бери темир йўл соҳасининг турли йўналишларида, ҳар хил лавозимларда хизмат қилаётган бўлсам, тўғриси, бир кун келиб “Фахрий темирйўлчи” белгисига сазовор бўламан, деб ўйламаган эдим. Бу юксак мукофотни менга раво қўрган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.



Клара ИСМАИЛОВА,
“Темир йўл ижтимоий хизматлар” МЧЖ Марказий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Темирйўлчилар саломатлигини муҳофаза қилишга умримнинг 30 йилдан ортиқ даврини бағишладим. Бу шарафли вазифани касбимнинг энг муҳим бурчи деб биламан. Айни пайтда “Ўзтемирйўлмаштаъмир” ҳамда “Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамиятлари тиббиёт бўлимларида ҳам фаолият юритиб, минглаб ишчи-ходимларнинг соғлигини асраш, уларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш ишларига масъулият билан ёндашиб келяпмиз. Корхона ходимларининг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бор билим ва куч-ғайратимизни сафарбар этганмиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги барча поликлиника ва шифоналарда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Муассасаларимиз замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, тизимда катта тажриба ва юксак малакага эга бўлган шифокорлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса беморларга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни эрта аниқлаш ҳамда иш фаолиятини хавфсиз давом эттиришда муҳим омил бўляпти. Бундай хайрли ишларда менинг ҳам камтарона ҳиссам борлигидан ғоят мамнунман.

“Фахрий темирйўлчи” белгисига лойиқ қўрилганимдан бошим кўкка етди. Меҳнатимни қадрлаб, мазкур мукофот билан тақдирлаганлари учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча темирйўлчиларни касб байрами билан табриклайман! Марказий поликлиника жамоаси ва тиббиёт ходимлари номидан соҳа фидойиларига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва хонадонларига файзу барака тилайман. Темир йўл тизими ривожига йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда зафарлар ёр бўлсин! Биз бундан кейин ҳам темирйўлчилар саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга доимо тайёرمىз.

Саҳифани Аваз ОМОНОВ тайёрлади



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҲҲИЧБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ қўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Муҳбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.
Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-834 Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200